



«Ал Хайр» хайрия жамгармаси ва Суданнинг Дорфур вилоятидаги «Фошир» университети Бутун Дунё Тахфизул Куръон уюшмаси ва Бутун Дунё Исломи Ҳшлари Кенгаши билан ҳамкорликда биринчи Куръон мусобакасини ўтказди. Мусобака Суданнинг «Фошир» университети биносида бўлиб ўтди. Унда 54 та иштирокчи катнашди. Мусобака уч йўналишда бўлиб ўтди:

1. Куръонни тўлиқ ёд олиш.

2. Куръондан 20 пора ёд олиш.

3. Куръондан 10 пора ёд олиш.

Мусобакани Доктор Бадрий Умар Башшора бошчилигидаги беш кишилик ҳакамлар хайъати кузатиб борди. Катнашчилар учун такдирлов кечаси уйиштирилди. Унга Олий таълим вазири Доктор Самийя Абу Кашва, «Фошир» университетининг собиқ мудир устоз Абдуллох Абдулхай, Бутун Дунё Исломи Ҳшлари Кенгашининг Африка қисми раиси ноиб Шайх Иброҳим Муҳаммад Хабр, Бутун Дунё Тахфизул Куръон уюшмаси вакили ҳамда бошқа устоз ва талабалар катнашишди.

Кечанинг очилиш қисми Куръони Карим тиловати билан бошланди. Унда сўзга чиққанлар ёш авлодга Куръони Каримни ёдлатиш ва ўргатишни аҳамияти ҳақида сўзлар эканлар, Куръонни ёдлашда давом этиш билан бирга, унинг хулқи билан хулқланишга чақирдилар ва мусобака иштирокчиларини муборакбод этдилар. Сўзга чиққанлар Бутун дунё Тахфизул-Куръон уюшмасига алоҳида миннатдорчилик билдирдилар.

Манба: www.hqmi.org